

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

ХОЛИЁРОВ АНВАР ТУРСИНОВИЧ

**ЛОЛАБУЛОҚ-БОЁНҚОРА НОЁБ МЕТАЛЛИ ЗОНАСИДАГИ
ПЕГМАТИТЛИ МАЪДАНЛАРИНИНГ (Ta, Nb, Li, Rb, Cs, Be)
МИНЕРАЛОГИЯСИ, ГЕОКИМЁСИ ВА НОЁБ МЕТАЛЛИ ПОТЕНЦИАЛИ
(ҚОРАТЕПА ТОҒЛАРИ)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни
қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холиёров Анвар Турсинович

Лолабулоқ-Боёнқора ноёб метали зонасидаги пегматитли маъданларининг (Ta, Nb, Li, Rb, Cs, Be) минералогияси, геохимёси ва ноёб метали потенциали (Қоратепа тоғлари)..... 3

Холиеров Анвар Турсинович

Минералогия, геохимия и редкометалльный потенциал пегматитовых руд (Ta, Nb, Li, Rb, Cs, Be) Лолабулак-Баянкаринской редкометалльной зоны (горы Каратюбе)..... 21

Kholiyorov Anvar Tursinovich

Mineralogical, geochemical, and rare-metal potential of pegmatite ores (Ta, Nb, Li, Rb, Cs, Be) in the Lalabulak-Bayankara rare-metal zone (Qoratepa mountains) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

ХОЛИЁРОВ АНВАР ТУРСИНОВИЧ

**ЛОЛАБУЛОҚ-БОЁНҚОРА НОЁБ МЕТАЛЛИ ЗОНАСИДАГИ
ПЕГМАТИТЛИ МАЪДАНЛАРИНИНГ (Ta, Nb, Li, Rb, Cs, Be)
МИНЕРАЛОГИЯСИ, ГЕОКИМЁСИ ВА НОЁБ МЕТАЛЛИ ПОТЕНЦИАЛИ
(ҚОРАТЕПА ТОҒЛАРИ)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни
қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/GM243 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mridm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Турапов Мирали Камалович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пирназаров Мажид Махкамович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Шукуров Носир Эгамович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: «Ўзбек геология қидирув» АЖ

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «18» 06 соат11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: info@mridm.uz, gniiimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (3459 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2025 йил «23» 05 куни тарқатилди.
(2025 йил «29» 04 даги 22 рақамли реестр баённомаси).



М.У. Исоқов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

С.С. Сайитов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д. (PhD)

М.М. Пирназаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларидаги геологик хизматлар томонидан минерал-хомашёларнинг стратегик турлари ҳисобланган камёб ер элементлари, рангли ва ноёб металл конларини қидириб топиш ва улардан турли соҳаларда фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида камёб ер элементлари, рангли ва ноёб металллардан фойдаланиш кўламининг ортиб бораётганлиги ҳамда уларни ишлатиш номенклатураси салмоқли кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда Россия ва Хитой каби тоғ-кончилик саноати ривожланган дунёнинг етакчи мамлакатларида замонавий таҳлилий усуллар, ревизион-металлогеник тадқиқотлар асосида ноёб металллар ва камёб ер элементларига истиқболли янги объектларни излаш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Натижалар тадқиқот майдонларини металлогеник-башоратлаш, янги истиқболли майдонларни ажратиш ва минерал-хомашё базасини кенгайтириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Республикада ноёб металл маъданларнинг шаклланиши, жойлашиш шароитлари, минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш борасида муайян муваффақиятларга эришилган. Хусусан, ноёб металлларга истиқболли майдонлар (Манғит, Боёнқора, Сулотсой, Аррабанд, Уйшун, Новқа, Сартоқчи, Қизилсой-Кохралисой ва б.) аниқланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ноёб металллар хомашё базасини янада кенгайтиришда Қоратепа тоғларининг ноёб металл зонасида мажмуавий илмий-тадқиқот ва башорат-излаш ишларини ўтказиш асосида янги ноёб металл маъданларга истиқболли худудларни аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонида, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сонли, 2022 йил 3 августдаги «Маҳаллий минерал хомашё ресурслари асосида юқори технологик металллар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-343-сонли, 2025 йил 28 мартдаги «2025-2026-йилларда саноат учун муҳим минераллар хомашёси базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-128-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 60-сон Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII - «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қоратепа тоғларида ноёб металлларга истиқболли майдонлар кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан: И.Х.Хамрабаев, В.С.Корсаков, М.С.Кучукова, Н.Д.Зленко, К.Д.Чехович, Р. Ахунжанов, А.А.Шабажонов, Х.Д. Ишбаев, З.А.Юдалевич, И.И.Шамшуринов, Е.Г.Федоров, Ю.А.Балашов, М.М.Пирназаров, М.К.Турапов, Ф.К.Диваев, Ю.Б.Ежков, В.К.Панасюченко, А.А.Гафурбеков, А.Р.Захидов, О.Т.Розиков, И.Б.Турамуратов, М.Н. Жураев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўтган йилларда ўтказилган тадқиқотлар Қоратепа тоғларининг геологик ва структуравий тектоник тузилиши, магматизм хусусиятлари ва улар билан боғлиқ эндоген маъданлашув, унинг минералогик-геокимёвий таркиби ва маъдан-формациясига мансублиги, скарн-вольфрамли, қалайли, полиметалл маъданларининг шаклланиши ва жойлашиш қонуниятларини аниқлашга қаратилган эди.

Худуднинг геология, тектоника, магматизм ва маъдандорлик нуқтаи назаридан юқори даражада ўрганилганлигига қарамай, Қоратепа тоғларининг ноёб металл ва камёб ер элементлари маъданлашувига истиқболлари ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган. Худуддаги маълум конлар ва маъданли структураларни геологик ҳамда замонавий аналитик тадқиқотлар мажмуаларини қўллаган ҳолда батафсил ўрганиш мазкур масалаларнинг ечимига хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» давлат муассасаси илмий-тадқиқот режасининг А-13-034-сон «Ўзбекистоннинг ноёб металл апогранит ва пегматит маъданларини ўзлаштириш мақсадида уларнинг моддий таркибини аниқлаш» (2012-2014), 998-сон «Ўзбекистон Республикаси худудини 1:1 500 000 миқёсидаги уран ва ноёб металл маъданлашувни янги турларини геологик иқтисодий баҳолаш» (2012-2016), 1176-сон «Ғарбий, Жанубий, Шарқий Ўзбекистонда гранитли магмаларнинг асосий дифференциаллари ва уларнинг ҳосилаларини (альбититлар, грейзенлар, пегматитлар, роговиклар, скарнлар, скрсноидлар, эпидозитлар ва б.) ноёб металл-камёб ер элементли потенциалини баҳолаш» (2016-2019) ҳамда 1446-сон «Ўзбекистон Республикаси худудининг табиий шароитларини ўрганиш ва ер қаъридан кўп мақсадли оқилона фойдаланиш учун 1:200 000 миқёсли ГАТ-форматдаги рақамли геологик харитасини яратиш» (2020-2025) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонасининг геологик тузилиши, ноёб металл маъданлашувнинг морфологик тури, минералогик-геокимёвий хусусиятлари ва ноёб металл потенциалини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонасининг ўрганилганлик тарихи, ноёб металлларнинг эндоген маъданлашуви жойлашувининг геологик-структуравий хусусиятлари ва унинг истиқболлини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича мавжуд материалларни тизимлаштириш;

Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонасидаги зонал пегматитли майдонларнинг петрологияси ва моддий таркибини ўрганиш;

ноёб металл пегматит маъданларининг минералогик таркиби ҳамда минерал ҳосил бўлиш босқичлари ва фазаларини аниқлаш;

Манғит конидаги литофил ноёб металлларнинг ресурс салоҳиятини аниқлаш билан бирга ноёб металл маъданларнинг морфогенетик турлари, зоналлиги ва жойлашув шароитларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қоратепа тоғларидаги Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонаси танланган.

Тадқиқотнинг предмети геологик ҳосилалар, минераллар, геохимёвий элементлар, ноёб металл маъданлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда замонавий усуллар, жумладан, мажмуавий дала кузатув ишлари (геологик маршрутлар, муфассал геологик кузатув нуқталари, литологик-структуравий қирқимларни тузиш, намуналар олиш, геологик ҳужжатлаштириш ва бошқалар), замонавий юқори аниқликдаги аналитик тадқиқотлар (масспектрометр ИСР таҳлил ва бошқалар), оғир фракцияларнинг минералогик таҳлили қўлланилган. Лаборатория таҳлиллари асосида олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш, шунингдек, тўпланган геологик материалларни назарий умумлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

Лолабулоқ-Боёнқора зонасидаги пегматитли майдонларнинг мажмуавий башорат-қидирув мезонлари ишлаб чиқилган;

кимёвий таҳлил, петрокимёвий тавсиф ва петрокимёвий тизимлаштириш натижаларига кўра, Сулотсой ва Манғит конларининг пегматитлари, альбититлари ва калишпатитлари ишқорий кўрсаткичлари юқори бўлган нормал қаторли гранит магматитлар турига мансублиги аниқланган;

Манғит конидаги пегматитларнинг минераллашув жараёни бешта босқичга ажратилган: 1 - ниобатлар, цирконатлар (Th билан), фторидлар; 2 - титанатлар, Mg-алюминатлар, силикатлар (F, B, Mn билан); 3 - фосфат-берилл-литийли; 4 - Sn оксиди, сульфидлар, олтин, U фосфати; 5 - катаклазми минераллар зоналари;

Лолабулоқ-Боёнқора зонасидаги ноёб металл пегматитларнинг иккита геологик-саноат турлари аниқланган: калийли ва натрийли.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аниқланган ноёб металл маъданлашувнинг минералогик, тўлиқ кимёвий таркиби ва босқичлари, унинг зоналлиги ва ривожланиш миқёслари аниқланган;

Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонаси худудида саноатда ўзлаштириш учун истиқболли бўлган ноёб металл ва камёб ер элементларининг истиқболли маъданлашув майдонлари ажратилган;

ноёб металллар учун истиқболли майдонлар бўйича қидириш-баҳолаш ва технологик намуналаш ишларини олиб бориш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги «Ўздавстандарт» томонидан сертификатланган лаборатория таҳлиллари (330 та муфассал геологик кузатув нуқталари, намуналарда (330 дона) ICP масспектрометрик таҳлиллар ва б.), шунингдек, геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йўриқномалар билан тартибга солинадиган материалларни йиғишнинг дала усулларини (геологик кузатув маршрутлари, литологик-структуравий ва минералогик қирқимлар тузиш, муфассал геологик кузатув нуқталар олиб бориш) кенг қўллаш ва уларга статистик ишлов беришга асосланган.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти Қоратепа тоғларининг жанубий ёнбағридаги Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонасининг геологик тузилиши, ноёб металл маъданлашувнинг морфотурлари ва минералогик-геокимёвий хусусиятлари ҳамда истиқболлини ўрганиш натижасида ҳудудда ноёб металл маъданларининг ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг жойлашиш қонуниятлари, шунингдек, камёб ер элементларининг минерал концентратлари: монацит, ортит, ксенотим; ҳамда камёб ер элементларининг изоморф-сорбцион кўринишдаги шакллари сфен, апатит, сиркон, гранат, биотит, хлорит ва дала шпатида учраши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти ўрганилган ноёб металл зонанинг Манғит конида ҳамда Боёнқора, Сулотсой, Аррабанд ва Уйшун истиқболли минераллашган участкаларда кўп компонентли (Nb, Ta, Be, Li, Rb, Cs) элементларга истиқболли минераллашган зоналарнинг аниқланганлиги ҳамда олинган натижалар республиканинг ноёб металл хомашёларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини бериши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қоратепа тоғларининг жанубий ён бағридаги Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металл зонасининг геологик тузилиши, ноёб металл маъданлашувнинг морфотурлари ва минералогик-геокимёвий хусусиятлари ҳамда истиқболлини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металллар зонасининг ноёб металл маъданлашувини жойлашиш қонуниятлари ҳамда қидириш мезонлари «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 13 декабрдаги 08-4667-сонли маълумотномаси). Натижада ҳудуддаги ноёб металл маъданларнинг ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг жойлашиш қонуниятларини аниқлаш имконини берган;

Қоратепа тоғлари жанубий ҳудудидаги Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металллар зонасининг Манғит кони, Боёнқора, Сулотсой, Аррабанд ва Уйшун истиқболли минераллашган зоналарида аниқланган кўп компонентли (Nb, Ta, Be, Li, Rb, Cs) элементлар «Ўзбек геология қидирув» АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 13 декабрдаги 08-4667 сонли маълумотномаси). Натижалар Nb, Ta, Be, Li, Rb ва Cs элементларига истиқболли минераллашган зоналарни аниқлаш имконини берган;

Манғит кони, Боёнқора, Сулотсой, Аррабанд ва Уйшун истиқболли участкалар бўйича хулосалар «Ўзбекгеология қидирув» АЖ амалиётига жорий

қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024 йил 13 декабрдаги 08-4667 сонли маълумотномаси). Натижада ноёб металлар хомашё базасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бет, 18 та расм ва 14 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган зарурият, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объектлари ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тадқиқот майдонининг геологик ўрганилганлик тарихи ва муаммолари**» деб номланган. Тадқиқот майдони Жанубий Қоратепа тоғ-маъданли райони ҳудудида жойлашган. Ўзбекистон Республикасида ноёб металлар тармоғини барпо қилиш (ёки тиклаш) ва бу йўналишда керакли тадқиқотларни ташкиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги раҳбарияти ҳамда геологик жамоаларининг эътиборида туради.

Ўзбекистоннинг гранитоидли формацияларидаги ноёб металларни ўрганишнинг биринчи босқичи XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб И.Х.Хамрабаев, В.С.Корсаков, М.С.Кучукова, Н.Д.Зленко, К.Д.Чехович, Р.Ахунжанов, А.А.Шабажонов, Х.Ишбаев, З.А.Юдалевич, И.И.Шамшурин, Е.Г.Федоров, Ю.А.Балашов, М.М.Пирназаров, М.К.Турапов, Ф.К.Диваев, Ю.Б.Ежков, В.К.Панасюченко, А.А.Гафурбеков, А.Р.Захидов, О.Т.Розиков, И.Б.Турамуратов, Т.П.Пирназаров, М.Жураев ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилиб унда ноёб металли маъданлашув бўлган майдонлар чегаралаб чиқилган.

Қоратепа тоғларидаги гранитофилли эндоген маъданлашувни геологияси, шаклланиш ва жойлашиш қонуниятлари, ноёб металларни саноатбоп концентрациясини, литофиль, халкофиль, қаторларининг ноёб металли комплекслари учун геология қидирув ишларини жадал ўтказиш ва ноёб ер элементлари, Та, Nb лар учун потенциал ресурсларини кескин кўпайтириш мақсадида мустақиллик йилларидан бошлаб кўп сонли қидириш-баҳолаш ҳамда петрографик, минералогик-геокимёвий ишлар Ф.К.Диваев, Ю.Б.Ежков, В.К.Панасюченко, А.А.Гафурбеков, А.Р.Захидов, О.Т.Розиков, М.Жураев ва бошқа бир қанча тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган. Натижада Жанубий Қоратепа тоғларидаги Лолабулоқ-Боёнқора ноёб металли зона ҳудудидаги пегматит томирли ноёб металли альбит-сподумен-лепидолит туридаги (Та, Nb, Li,

Rb) кон ва участкалар аниқланган, бу эса маълум ноёб металл маданлашувни янги баҳолашни талаб қилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Гранит-пегматитли магмаларда ноёб металл маъданларини шаклланишини назорат қилиш ва баҳолаш омиллари**» деб номланган. Маъдан ҳосил бўлиш назариясидан маълумки, ер қобиғида конларни ҳосил бўлиши ва жойлашиши одатда бир нечта омиллар билан боғлиқ бўлиб, баъзида улардан бири етакчи сифатида номоён бўлса, бошқаларида бу омилларнинг бир-бирига устма-уст тушиши кузатилади.

Геотектоник омил. Турли майдонлар ер қобиғининг у ёки бу йирик тузилмаларига тегишли эканлигини белгилайди.

Тектоник омил фойдали қазилма конларининг шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бурмали ва узилмали тектоник структураларнинг эндоген конлар шаклланиши ва жойлашишига таъсири ҳамда уларнинг морфологик ҳусусиятларга боғлиқлиги маълум.

Структуравий омил. Кўплаб тадқиқотлар билан эпигенитик маъданлашувнинг кўпроқ гранитоидли интрузивларнинг ёки интрузив артофи зоналарининг апикал қисмларида жойлашиши аниқланган. Шу сабабли гранитоидларни ўрганишда, биринчи навбатда куйидагилар муҳим аҳамиятга эга: эррозион қирқимнинг сатҳини аниқлаш, контакт морфологиясини тиклаш, интрузив таналарнинг шаклини ўрганиш.

Магматик омил. Олиб борилган дала ишлари ва тематик ишлар натижасида гранитли магмани маъдандорлигининг энг асосий қуйдаги белгилари аниқланган: *1. Петрологик-структуравий; 2. Петрографик; 3. Петрокимёвий; 4. Геохимёвий.*

Метасоматик омил. Гранитоидли комплексларнинг маъдандорлиги уларни қамровчи муҳит билан ўзаро алоқадорлиги билан изоҳланади. Улар гранитоид интрузияларнинг қия контакт зоналарида, устки қисмидаги ботикликларида ва чизиқли-апикал зоналарида жойлашиши учувчан (фтор, хлор, сув, литий) ва улар билан бирга кам учрайдиган пегматитли - камёб металл таналар кўринишида ҳамда юқори ҳароратли (дала шпати-кварцли, кварц-слюдали, биотит-дала шпати) метасоматит кўринишидаги литофил камёб элементлар (тантал, ниобий, бериллий, қалай, литий ва цезий) тўпланиши учун энг қулай вазият ҳисобланади. Геохимёвий ихтисослашув ҳақида яна бир тасаввур ҳам маълумки, кристалланиш жараёнида ажраладиган учувчи элементлар билан бирга маъданли элементларнинг интрузиялар танасига йўналтирилган миграциясининг маҳсулидир.

Ўзбекистондаги гранитли магманинг комплекс маъданли минераллашуви билан боғлиқ объектлар: Чоркесар, Саргардон, Барқроқ, Тошкерган, шунингдек Сартоқчи, Оқтау, Зирабулоқ интрузивлари ҳисобланади. Улар билан юқори концентрацияли фтор, уран вольфрам, тантал, ниобий, бериллий, литий, рух ва бошқа литофил элементлар боғлиқ. Эндоген маъданлашувнинг геологик-генетик моделларини тузиш усуллари куйидагича тавсифланади: эхтимоллий, ясси (икки ўлчамли) ёки ҳажмий-геометрик, геологик-генетик (петрофизик, субвулконли, интрузив-магматикли, метаморфоген-гумбазли) ва б. Ўзбекистондаги ноёб металл литофил апогранит ва пегматит маъданлашувини башорат қилишнинг қидирув-баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш учун, ҳам ноёб металл

концентрацияларда, ҳам Тён-Шон етакчи камёб металл минтақаси чегараларида асос сифатида ҳажмли интрузив-магматик моделларни яратиш зарур.

Геологик – генетик (қидирув-баҳолаш) моделининг тузилишини ташкил этувчи асосий элементлар: 1) гранитоид массивининг геологик-структуравий ҳолати; ўрганилаётган ҳудуднинг структуравий-тектоник-морфологик тузилиши; ер қобиғининг ривожланиш босқичларига тегишлилиги, унинг тури ва структуравий-ярусли тузилиши; магма ҳосил бўлиш чуқурлиги; 2) интрузивнинг шакли; контакт юзасининг морфологияси; фаоллиги ва жорий бўлишининг вектори; фазавий – фациал зоналиги; эррозион қирқимлари. Бундан ташқари контактли-анатектик мигматитлар учун: томир материалининг таркиби; қатламланиш йўналишлари; томир материали тўйинганлик даражаси; плутоннинг диорит-гранодиорит-гранит-лейкогранит формациясининг асосий кислота-ишқорли петрокимёвий кўрсаткичлари; альбитли ва калийшпатли компонентларининг нисбати; калий индексининг тарқалиши; слюдаларнинг таркиби ва ноёб металлелиги; 3) пегматит таналарининг морфологияси, ўлчамлари, ётиш шароитлари, маъдан-минерал зоналиги; уларнинг дайкалар (I-II босқич) ва қамровчи тоғ жинслари билан ўзаро таъсири; маъдан олди ўзгаришлар; ривожланиш чуқурлиги; бурма ва узилма структуралар билан алоқалари; ноёб металл маъданлашувнинг (Ta, Nb, Be, Li) пегматитлардаги шакли, жадаллиги ва жойлашиш кетма-кетлиги; маъданларнинг минералогик таркиби ва формацион тури; 4) ноёб металл майдон чегараларида маъданли ва йўлдош кимёвий элементларнинг нормал ва аномал (\pm) тарқалиш майдонлари; геокимёвий майдон йўналишлари; ореоллар морфологияси, уларнинг жадаллиги; пегматит билан тўйинган блокларда литофилларнинг ёнма-ён ва тик зоналликлари ҳисобланади.

Минералогик-геокимёвий тадқиқотлар асосида республика ҳудудининг камёб металлелигини баҳолаш муаммосини ҳал қилиш бир қатор мустақил вазифаларни ўз ичига олади: 1) апогранит туридаги (нормал қатордаги) интрузияларнинг литофилли камёб элементлари бўйича истиқболлари; 2) маҳсулдор пегматитли тантал-ноёб металл майдонларнинг истиқболлари.

Биринчи масаланинг ечими минералогик-геокимёвий мезонларни такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Иккинчи масалани ҳал қилишда ноёб металл пегматитларнинг морфогенетик гуруҳларини ажратишни ўз ичига олади.

Бугунги кунга келиб бутун дунёда камёб металлларга талаб ва эҳтиёжнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Бундай конлар 30 та формациянинг 113 та парагенетик турини ўз ичига олади (Овчинников, Солодов, 1980). Шулардан ҳозирги кунгача 40 дан ортиқ тури ўзлаштирилган. Булар, асосан, ноёб металл гранит пегматитлар бўлиб, улардан бутун дунё бўйлаб тантал, литий, бериллий, цезий, рубидийнинг катта қисми қазиб олинади. Ҳозирги вақтга қадар маълум бўлган чет элдаги пегматитлар орасида токембрий конларига литий, рубидий, цезий, бериллий ва тантални барча пегматитли захираларининг 73 % дан 92 % гача тўғри келиши аниқланган. Палеозой пегматитларига 12-23 %, мезозой-кайнозой пегматитларига эса атиги 1-5 % тўғри келади. МДХ республикаларида эса токембрий конлардаги

захираларнинг улуши барча элементлар бўйича чет элдагига нисбатан анча паст эканлиги кузатилади.

Ноёб оксифилли (26 хил) металл конларининг саноат таснифи мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Ноёб металл конларнинг таснифлари


(А.И. Гинзбург, К.А. Власов, Л.Н. Овчинников, Ю.Б. Ежковларнинг материаллари бўйича)

Сериялар		
Эндоген конлар	Экзоген конлар	Гидротермал хомашё, нефт ва битумлар
Груҳлар		
Кварцсиз пегматитли: Ta, Nb, REE, Zr, Sr, V*	Нураш қобиғида ва яқин атрофдаги сочилмаларида: Nb, REE, Zr	Кўллардаги шўр сувларда ва минераллашган сувларда: Li
Карбонатларда: Nb, REE, Zr, (Ta)	Узоқ масофага кўчиш ва қайта чўкиш сочмаларида: Zr, REE	Нефтлар ва битумларда: V
Ишқорий – кальцийли: Ta, Nb, REE, Zr, Vc	Чўкинди тоғ жинсларида: REE, Sc, Ge, V, Sr	
Ноёб металл гранитли: Ta, Li		
Пегматитли: Ta, Li, Cs, Be		
Флюоритли: Be, Li		
Слюдитли: Be, Li, Cs		
Аргиллизити: Be		
Колчеданли: Ge		

Алоҳида минералларини ҳосил қилмайдиган, балки рангли металлларнинг минералларида ва уларга геохимёвий жиҳатдан яқин бўлган бошқа элементларнинг минералларида аралашма тарқоқ кўринишида учрайдиган халькофил ноёб элементларининг конлари (9 та элемент) ушбу “етакчи” компонентларнинг кенг тарқалган таснифларида ўз ўрнини топади. Фақатгина уч хил: литофил, сидерофил ва халькофил табиатга эга бўлган германий конларининг асосий турлари ҳамда рений учун истисно мавжуд. Улар Ta, Nb, Zr, Y ва Ln, Sc, Be, Li билан бир қаторда “стратегик» металллар тоифасига киритилган.

Учинчи боб «**Ўрта ва Жанубий Тён-Шоннинг асосий трансминтақавий Тён-Шон ноёб металл структуравий минтақаси**» деб номланган. А.Ф. Соседконинг таъкидлашича, Ўрта Осиёда пегматитлар кўплаб майдонларда учрайди ва улар Олой тизмасидан то Орол денгизигача чўзилган тоғли тизманинг тор қисмида жойлашган. Улар таркибида ноёб металл тантал-ниобийли, бериллий ва бошқа минераллар, шунингдек қалай мавжудлиги билан ажралиб туради. Кейинчалик, К.Л. Бабаев (1965) Ўрта Осиё ҳудудларининг башоратли-металлогеник тадқиқотлари доирасида пегматитли майдонларнинг жойлашувида маълум бир минтақавий геологик зоналикни аниқлади. У гранитлар ва пегматитлар орасидаги генетик боғлиқликни ўрганиб, Ўрта Осиё гранитларининг пегматитлилиги уларнинг қадимги турларидан ёш турларига қараб ортиб боришини кўрсатди. Ўрта Осиёда биринчи марта Асосий Тён-Шон ноёб металл минтақаси ажратилган бўлиб (1-расм), у ягона маъданли структура ҳисобланди ва кенглик йўналишида асосий Be-Li-Ta-Nb-Cs геохимёвий профили билан, шимоли-ғарбий йўналишида асосий Каспий ҳавзасигача давом этади. Жиззах меридианидан бошлаб ноёб металл минтақаси шарқга қараб иккита ноёб металл зонага бўлинади: шимолда Туркистон (Li, Be, Ta, Nb, U, REE, Cs, Zr), Хитой

чегарасигача кузатиб борилган (Синцзян), ва жанубда Хисор (Be, Li, Ta, Nb) Шимолий-Помир ноёб металл минтақасигача етиб борган.



1-расм. Асосий трансрегионал Тён-Шон ноёб металл минтақаси, Марказий Осиёнинг ноёб металл ва уран-ноёб ер элементли конларнинг тарқалиш харитаси (Тузувчилар: Н.А. Ахмедов, Ю.Б. Ежков ва бошқалар, 2003).

Ноёб металл камарда пегматитли майдонларнинг жойлашиши эндоконтактли ва апикалли, ҳамда гранитли интрузивлар ва эндоконтактли зонанинг ён атрофи, шунингдек улардан узоқлашган апомагматик фаоллашган чизикли-ўтказувчан ва тирсаксимон эгилган бурмали структуралари билан назорат қилинади. Энг асосий ноёб металл провинциялар тизимида ва дунёнинг полеорифтли тизимида Асосий Тён-Шон ноёбметалли камар – Марказий Осиёнинг ғарбий қисмидаги энг шимолий структураси бўлиб, Жанубий Осиё Пегматитли Минтақа устида жойлашган.

Асосий Тён-Шон ноёбметалли камар – Марказий Осиёнинг ғарбий қисмидаги энг шимолий структураси бўлиб, Жанубий Осиё Пегматитли Минтақа устида жойлашган. Бу камар Хиндиқуш-Қорақурум-Химолай тоғ тизималари ичидаги Афғонистон ва Бухоро сподумен-пегматитли минтақаларни ўз ичига олган йирик ноёб металл (узунлиги 3000 км, кенлиги 200-400 км) структура ҳисобланади. Туркистон зонасининг шарқида Асосий Тён-Шон ноёбметалли камар худудида Иртиш олди, Марказий Монголия (Л.Н.Россовский, И.И.Матросов 1970) Шарқий Байкал орти, Шимолий-Ғарбий, Марказий ва Жанубий-Шарқий Хитойнинг давомли ноёб металл (пегматитли) минтақалари маълум.

Асосий Тён-Шон ноёбметалли камарнинг шимолида Белтау-Қурама вулқон-плутоник камарининг Чотқол-Қурама блокада апогранит центри жойлашган бўлиб, унда ноёб металлларга бой (Li, Be) – фторли гранитлар ва грейзенлар пегматитларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Чотқол-Қурама центридаги литофил элементлар гуруҳига мансуб ноёб металл намоенлар геологик-саноат турига Барқроқ-Оққапчиғай-Ойгаинг маъдан тугуни, Шабрез-Саргардон маъдан майдонлари киритилиши мумкин. Ойгаинг


дарёсининг юқори оқимидаги Баркрак-Оққапчиғай-Ойгаинг маъдан тугуни апогранитларнинг эндо- ва экзоскарн зоналарида, шунингдек, томирли грейзенлар, пегматит конлари ва томирли таналарда жойлашган юқори мураккаб маъданлашуви билан ажралиб туради. Маъданларда асосий аҳамиятга эга бўлган литофилли элементлар - тантал, ниобий, бериллий, фтор, литий, халкофиллардан эса висмут ҳисобланади. Литофил элементлар захиралари бўйича бу маъдан тугуни Ўзбекистондаги энг йириги ҳисобланади.

Шимолий-Қизилқум ноёб металл концентри энг кам ўрганилган геологик структура бўлиб, унинг маъданлилиги Олтинтоғ гранитли плутони ва унинг экзоконтактларининг ноёб металлителиги (бериллий, ниобий, тантал) билан баҳоланади. Шунга қарамай, Ю.Б.Ежков ва бошқалар (2013) таъкидлаганидек, Шимолий Қизилқум ноёб металл концентри бериллий, тантал, ниобий, камёб ер элементлари, вольфрам, молибден, уран, қалай ва бошқа элементлар учун истиқболли объект ҳисобланади.

Жанубий Қоратепа ноёб металл маъданлашувнинг геологик-структуравий шароитларини ва моддий таркибини батафсил ўрганиш натижасида Хисор ноёб металл зонасида бир-бирини шимоли-ғарбдан жанубга ва жануб-шарққа қараб ўзаро ўзгартирадиган К ва Na гранитли пегматитли Жанубий Қоратепа (Лолабулоқ-Боёнқора) зонасининг 2 та майдони ажратилди (2-расм).

Пегматитли намоёнлар худудлари Лолабулоқ-Боёнқора зонасида узунлиги 30 км ва кенлиги 4 км гача майдонда бирлашган. Улар жойлашув шароитлари ва морфогенетик хусусиятларини кетма-кетликда шимоли-ғарбий ёнбағридан жанубий-шарққа қараб ўзгариб бориши билан тавсифланади. Бу эса ушбу маъдан зонасида пегматитларнинг шаклланиши ва жойлашишидаги зоналикни кўрсатади. Бу ҳолат Ғарбий Лолабулоқ майдонининг меланократ граносиенитларида жойлашган интрузив ичидаги плитасимон пегматитларнинг Аррабанд ва Марказий Лолабулоқ майдонларидаги плитасимон ҳамда томирли пегматитлар билан алмашинувида намоён бўлади. Уларнинг генетик давоми сифатида Шарқий Лолабулоқ майдонидаги дайкага ўхшаш магматитлар ва Манғит эзилиш зонасининг метаморфоген-терриген жинслари орасида жойлашган нодир металл чизиқли-ўчоқли альбитли пегматитли зоналари хизмат қилади (Манғит кони, Боёнқора ва Минжир участкалари). Структуравий позицияларнинг ягона маконида Лолабулоқ-Боёнқора пегматитли зонасининг структуравий жойлашиш шароитлари ва маъданли геокимёвий белгилари, пегматитли боғламларнинг таркибидаги альбит фазаси ғарбдан шарққа қараб кетма-кет зонал кўндаланг йўналишда ортиб боради. Бунда зоналик пегматитларнинг ноёб металл минерал турларини чуқурликгача излаш ва башорат қилишни муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ер қобиғидаги ноёб элементлар ва уларнинг минералларининг тарқалишини кўриб чиқиш орқали (К.А. Власов 1964), уларнинг энг кўп миқдори “жинсларнинг нордон ва ишқорли комплекслари ҳамда уларнинг ҳосилалари билан боғлиқ” деб ҳисобланади. Ноёб элементлар ва уларнинг минералларини тўпланиши учун энг қулай шароитлар сифатида: интрузивларнинг апикал қисмлари, кўп фазали интрузивларнинг сўнгги фазалари, яхши дифференциаллашган интрузивлар, постмагматик ҳосилалар ҳисобланади. Ноёб элементларнинг асосий қисми магматик минерал ҳосил бўлиши жараёнининг якуний босқичларида тўпланади.



2-расм. Лолабулок-Боёнқора зонасининг геологик харитаси (Тузувчилар: Ю.Б. Ежков, В.К. Панасюченко, А.Т. Холиёров ва б. 2015). **1** - Литофил-ноёб металли гранитлар ва пегматитлар учун хос муҳитининг ҳосил бўлиши мажмуалари - C-P (чўқинди-вулканоген, флиш, моласс, олистостром); **2** – Ўрта-йирик донали порфирсимон биотит, икки слюдали лейкократли гранитлар; **3** - Порфирсимон нотекис донали адамеллитлар; **4** - Сиенитли-диоритлар; **5** - Габбро-плагиогранитли формацисалар. Габбро-амфиболитлар (амфиболлашган габбро), актинолит ва глаукофанли микросланецлар; **6** - Аррабанд гранитоид массивининг шимолӣ экзоконтактидаги ўзгарган жинслар чегараси: а) гравиметрик ишлар бўйича (Хейфец ва б. 1976) б) гравимагнит ишлари бўйича (Панасюченко, Ежков ва б., Кремнев маълумоти асосида 2004); **7** - Пегматит томирлари (қирқимларда); **8** - Аррабанд гранитоид массивининг ер остида яширинган чегшараси ва унинг изогипсилари (Кейфец ва бошқалар, 1976); **9** - Узулмали-сурилма; **10** - Амфиболитли сурилма.

Фарбий Тён-Шонда магматоген ноёб металли маъданлашув жараёнлари деярли тўлиқ гранитоид формациялар, штоклар ва дайкалар, ишқорли гранитлар, граносиенитлар, ишқорли ер ва нефелинли сиенитлар ҳамда карбонатитларнинг намоён бўлиши билан белгиланади.

Ю.Б. Ежков бўйича ноёб металли жараёнларнинг Асосий Тён-Шон ноёбметалли минтақасидаги литофил қаторининг магматик табиати, ҳосил бўлиши ва тўпланиши уларнинг турли хил маъдан-формацион турларини белгилайди (2-жадвал).

Ўзбекистон ва унга чегарадош худудлардаги ноёб металл маъданлашув мажмуаларининг асосий маъдан формацион турларидаги ноёб элементлар миқдори, г/т да
(Ежков Ю.Б. ва бошқаларнинг 2013 йилги маълумотлари бўйича)

МФТ	Ta ₂ O ₅	Nb ₂ O ₅	Li ₂ O	Rb ₂ O	Cs ₂ O	BeO	Юлдош - элементлар	Маъданли участкалар
А	470-780	110-750	500-1000	Маълумот йўқ			U, Th, REE	Тутек, Дельбек, Джилису
Б	70-330	150-350	300-3600	2700	100-500	150-2000	Bi, Sn, F, Mo	Баркрак, Анаульган, Оёсой, Саргардон
В	50-100	150-1000	80-150	300	10-50	10-40	Ti, REE, U, Th, Sn	Оқтау, Кугитанг, Келенчек, Сартакчи
Г	50-120	70-150	600-1100	700-3600	10-80	400-6000	Sn	Сулатсай, Аррабанд
Д	50-100	60-120	80-200	600-1200	10-50	300-800	Sn, Cs, REE, U, Th	Алтынтау, Кетменчи
Е	60-600	50-1400	500-16000	600-7000	70-2000	100-400	B	Новка, Баянкара, Актосты-І
Ж	100-150	115-170	100-300	600-1000	10-50	100-300	B, Sn	Манғит, Султанувайс

«В» **маъдан – формацион тури.** Бу тур плюмазитли лейкогранит интрузивларнинг (Оқтау, Кугитанг), юқори контракцион зоналарида (Келенчек), шунингдек биотитли гранит массивларининг сателитларида (Сартакчи) тўлиқ намоён бўлади. Тоғ жинслари апогранитларгача ўзгарган ва колумбит, камёб ер элементлари, циртолит, торит, титанатлар (поликраз, эвксенит, Nb-рутил) мавжуд бўлган грейзен альбитит таналарини ўз ичига олади.

«Г» **маъдан – формацион тури.** Бу турдаги пегматитлар ноёб ишқорлар ва бериллий концентраси (кўпроқ), ноёб металллик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Лолабулоқ маъданли майдонининг ғарбий ёнбағри мураккаб ноёб металл маъданлашувга эга бўлган Аррабанд маъдан намоёни ва Сулатсой конига бўлинади. Лолабулоқ маъданли майдонининг мавжуд участкаларида 750 дан ортиқ пегматитли томирлар аниқланган бўлиб улардан: 360 дан ортиғи магматикларда (48,4%), 380 дан ортиғи қамровчи сланецларда (51,6%) мужассам бўлган. Сулатсой конидаги пегматит томирларининг бешта геологик-генетик турлари ажратилган бўлиб, улардан 4, 5, 5а турлари саноатбоп турларига киради: 1) Плагиоклаз-биотит-кварц-микроклинли; 2) Кварц-микроклинли, пегматитли, симметрик – зоналли; 3) Кварц-микроклин-мусковитли; 4) Кварц-микроклин-альбитли; 5) Альбитлашган кварц-микроклинли; 5а) Кварц-микроклин-альбит-микроклинли.

«Д» **маъдан – формацион тури.** Бу тур – охактош-ишқорли гранитлар ва лейкогранитлар орасида кенг тарқалган ва уларни турлари: - альбитли, микроклин-альбитли, альбит-микроклинли пегматитлар бериллий билан. «Д» туридаги пегматитлар кенг тарқалганига қарамай улар кам ўрганилган.

